

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI



Ўзбекистон Республикаси  
Самарқанд вилояти  
Каттақўрғон шаҳар  
ҲОКИМИ

O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on shahri

«21» Июль 2015 йил

№ 87-К

**QAROR**

Маданият ва аҳоли дам олиш  
маркази қуришга рухсат бериш  
хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибининг тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик қарорлари мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошида тузилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги 704-сонли буйруғини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Д.Нурмуродовни 2015 йил 21 январдаги № 10 сонли шаҳар ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар Ш.Рашидов кўчаси жойлашган Истирохат боғи ҳудудида 3000 кв.метр ер майдонида тасдиқланган лойиҳа асосида Маданият ва аҳоли дам олиш Марказини қуришга рухсат берилсин.
3. Каттақўрғон шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими (Д.Нурмуродов)га белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун ҳужжатларини расмийлаштириш юклатилсин. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисоблансин.
4. Ерни натура тарзда жойида ўлчаб бериш, бугунги куң архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Раҳмонов